

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил июль ойининг 25 куни Тошкент вилояти, жиноят ишлари бўйича Тошкент тумани суди биносида, очиқ суд мажлисида,
Раислик қилувчи судья **З.Р.Аббосов**,
судья ёрдамчиси **Х.Юсупов**нинг котиблигида,
тарафлардан Тошкент тумани прокурорининг ёрдамчиси М.Хасанов,
“Адолат ҳақиқат мезони” адвокатлик фирмасининг адвокати
А.Исмоилов ва судланувчи М.Камаловнинг иштирокида,
01.01.1961 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, Қозоғистон Республикаси Шимкент шаҳри Матрос маҳалласи 13 уйда яшайди, эҳтиёт чораси «қамоқ» қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 2 май куни олган **Камалов Мамат Камирович (Karimov Mutalib Kadirjanovich)**ни,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддаси 1-қисми ва 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан айблашга оид бўлган [REDACTED] сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд судланувчининг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, давлат айбловчисининг ва адвокатнинг музокара нутқларини, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи **Камалов Мамат Камирович** 2013 йил ёз ойларида Қозоғистон Республикасининг Сарағач шаҳарчасида жойлашган исиқхоналарда бир муддат ишлаб юриб, сўнгра Тошкент тумани, “Истиқбол” МФЙ ҳудудидан ўтган “ўзбек-қозоқ” давлат чегараси орқали қонунга ҳилоф равишда давлат чегарасини бузиб, Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига айланма йўллар орқали кириб келган. 2023 йил 25 март куни соат 18:20 ларда такроран Тошкент вилояти, Тошкент тумани, “Истиқбол” МФЙ ҳудудидан ўтган “ўзбек-қозоқ” давлат чегараси орқали қонунга ҳилоф равишда давлат чегарасини бузиб, Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикасига чиқиб кетаётган вақтида, мазкур ҳудудда хизмат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ДХХ ЧҚ 9207 ҳарбий қисм 6-“Чувалачи” ЧҚВ чегара нарядлари томонидан қўлга олинган ва тегишли тартибда баённомалар расмийлаштирилган.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган **Камалов Мамат Камирович** айибга тўлиқ иқрор бўлиб, у ҳақиқатдан ҳам Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳри Матрос маҳалласи 13 уйда 2013 йилга қадар



яшаб келганлигини, шундан сўнг тахминан 2013 йил ёз фаслида Қирғизистон Республикасининг Худай туманидан Қозоғистон Республикаси Сарағач шаҳарчасига келиб у ердаги исиқхоналарда ишлай бошлаганлигини у ерда ишлаб юриб исиқхона хўжайнидан иш ҳақиларини ололмаганлиги сабабли у ердан кетишга қарор қилиб “қозоқ- ўзбек” давлат чегараси орқали Қозоғистон Республикасидан айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикасига кириб келганлигини, Ўзбекистон Республикасига келганидан сўнг унинг ёнида ҳеч қандай шахсимни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганлиги сабабли ҳамда Ўзбекистон Республикасида домимий ва вақтинчалик яшаш жойига эга бўлмаганлиги сабабли одамларнинг мол қўйларини боқиб уларнинг уйларида тунаб юрганлигини, шундан сўнг унга бундай юриш жонига тегиб 2023 йил 25 март куни Тошкент вилояти, Тошкент тумани, “Истиқбол” МФЙ ҳудудидан ўтган “ўзбек-қозоқ” давлат чегараси орқали қонунга ҳилоф равишда давлат чегарасини ўраб турган тиконли симилар устида ошиб ўтиб давлат чегарасини бузиб Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикасига чиқиб кетишга уринган вақтида, мазкур ҳудудда хизмат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ДХХ ЧҚ 9207 ҳарбий қисм 6-“Чувалачи” ЧҚВ чегара нарядлари томонидан қўлга олинганлигини, унга 2013 йилда Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибни бузиб ўтишида ва 2023 йил 25 март куни Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикасига белгиланган тартибни бузиб чегарадан ўтишга уринишига бирор-бир шахс кўмак бермаганлигини, мазкур ҳаракатларни ўзи бажарганлигини, у 2013 йилда Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибни бузиб кириб келган ноқонуний айланма йўлни ва 2023 йил 25 март куни Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикасига белгиланган тартибни бузиб ўтишга уринган ноқонуний айланма йўлинни кўрсатиб бераолмаслигини, аммо 2023 йил 25 март куни Ўзбекистон Республикасидан Қозоғизистон Республикасига ноқонуний чегарани кесиб ўтмоқчи бўлган жойини чегара ходимларига икки нафар ҳолис иштирокида кўрсатиб берганлигини қилмишидан пушаймонлигини, қизини соғинганлигидан мажбурликдан шундай қилганлигини, унга енгил жазо беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи М.Камаловнинг айби унинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари жиноят иши юзасидан тўпланган қуйидаги ҳужжатлар, жумладан:

-ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фотожадваллар билан. *Ушбу баённома ва фотожадвалларда судланувчи М.Камалов ноқонуний тарзда чегарадан ўтган жойни кўрсатганлиги баён қилинган.* (и.в. 4-8);

-Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг бузилиши ҳақидаги баённомаси билан (и.в.13);



ҳамда мазкур жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, юқорида келтирилган далиллар, уларни тўплаш билан боғлиқ процессуал қоида ва тартибларга риоя қилинган ҳолда олинганлиги учун мақбул далиллар деб эътироф этиб, улар ҳақиқатга мувофиқ бўлганлиги сабабли ишончли ҳамда судланувчининг ҳаракатларини баҳолашда етарли деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Камаловнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан, яъни қонунга хилоф равишда белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятини такроран содир этганликда нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми “а” бандида “унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб тўрт йил ўтган бўлса шахс жавобгарликдан озод қилинади”- деб кўрсатилган.

Судланувчи М.Камалов 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни яъни қонунга хилоф равишда белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтишда ифодаланган жиноятни қасддан содир этган. Бироқ, у бугунги кунга қадар ушбу ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмаган ва жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган.

Суд, М.Камаловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан айбланган эпизодни ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми “а” бандидага асосан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, М.Камаловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айбланган эпизодини ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмига қайта малакалашни лозим деб ҳисоблайди, чунки у ҳақиқатдан ҳам белгиланган тартибни бузиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Қозоғистон Республикасига давлат чегарасидан ўтганликда ифодаланган жиноятни қасддан содир қилган ва унинг айби суд мажлисида ўз тасдиғини тўлиқ топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан судланувчи М.Камаловнинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топади, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари аниқланмади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Камаловга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик,



инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим”-лиги, ушбу қарорнинг 3-бандида, “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва ўртача оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” -тўғрисидаги тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмида белгиланган жазо тури ва миқдорини муҳокама қилиб, унга мазкур жиноят учун белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни;

жазони ўташ муддати М.Камалов жиноят содир этишда гумонланиб ушланган 2023 йил 26 апрель кунидан бошлаб ҳисоблашни; тайинланган жазони манзил колонияларда ўташни белгилашни; судланувчи М.Камаловга нисбатан терговда қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозимдеб топади.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Камалов Мамат Камирович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддаси 1-қисми билан айбланган эпизоди Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми “б” бандига асосан тугатилсин.

М.Камаловга нисбатан айблов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “в” бандидан ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмига қайта малакаланиб, шу модда билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 26 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Дастлабки тергов жараёнида қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар йигирма сутка ичида, маҳкум эса, ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида туман суди орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция шикояти бериш ёки протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

З.Р.Аббосов

